



2020 йил у.г «19» Февраль № 179-к **Qo‘shrabot , - р Кушрабад**

**Туман ҳудудидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли
автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий
техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 54-сонли қарорига мувофиқ транспорт воситаларининг 2020 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги мулкчилик шаклидан қатъий назар юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автоматотранспорт воситалари ва уларга тиркамалар тегишли тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши таъминлансин.

2. Туманда транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўриндиклар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (хайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)

- икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

г) тиркамалар, кўриққа транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

3. Мазкур қарорнинг 2-банди "а" кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларнинг техник кўриғи:

биринчи марта 1 мартдан 30 июнгача;

иккинчи марта 1 сентябрдан 31 октябргача ўтказилсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 мартдан 30 июнгача ўтказилсин.

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриғи 1 январдан 31 августгача ўтказилсин.

4. Туманда техник кўриқни ўтказиш учун тузилган комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларини 2020 йилги мажбурий техник кўриқни ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида"ги 54-сонли қарори 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман муҳофаа ишлари бўлими, туман ички ишлар бўлими транспорт воситалари мажбурий техник кўриқлари ўз юқори ташкилотларининг қарори ва иш режаси асосида амалга оширилишини инобатга олсин.

6. Мажбурий техник кўриқ давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақланиб қолинсин.

7. Транспорт воситалари давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари томонидан техник кўриқдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган миқдорларда йиғим ундирилиши белгилансин.

8. Техник кўриқни ўтказиш бўйича комиссия раисига:

юримдик шахсга техник кўрик ўтказиладиган муддатлар тўғрисида билдиришнома юбориш;

техник кўриқни ташкилотларда, диагностика станцияларида ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида иш вақтида, техник назорат постларида иш кунларининг кундузги ва тунги вақтларида ёки ҳафтанинги дам олиш кунларидан бирида ўтказиш;

техник кўриқдан ўтказишда техник жихатдан носоз деб топилган транспорт воситасининг, шунингдек техник ҳолати белгиланган талабларга жавоб бермайдиган ёки тегишли рухсатномасиз қайта жиҳозланган транспорт воситаларининг камчиликлари ва носозликларни бартараф этиш бўйича белгиланган тартибда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.


9. Ушбу қарор туман “Истикбол сари” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

11. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 11 февралдаги № 303-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

12. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари И.Сайфиддинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Оқбутаев